O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 6-may • Payshanba • 53 (31.173) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

## БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кенг миқёсда текширувдан ўтказилди.

2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Шу билан бирга, текшириш якунларига кўра бир қанча жиддий нуқсон ва камчиликлар аниқланди.

Фойдаланишга топширилган болалар спорти объектлари, айниқса алоҳида жойлашган объектлардан ҳали етарлича самарали фойдаланилмаяпти, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Эскирган спорт анжомлари ва ускуналарини янгилаш ҳамда алмаштириш ўз вақтида таъминланмаяпти. Барпо этилган сузиш ҳавзалари имкониятларидан паст даражада фойдаланилмоқда.

Болалар спорти объектларини тренерлар, айниқса хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш ишлари етарлича олиб борилмаяпти. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шундай ҳоллар мавжуд.

Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга аввало Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари суст олиб борилмоқда. Қизларни, айниқса қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасидаги ишлар ҳали-ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини кенг миқёсда текширувдан ўтказган махсус комиссиянинг хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўн кун муддатда республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган минтақавий филиаллари Ҳомийлик кенгашларининг мажлисларида текшириш натижалари танқидий муҳокама қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарлари текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсинлар, бунда мазкур ишлар тизимли, мунтазам асосда ўтказилиши лозимлиги назарда тутилсин.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

(Давоми 2-бетда.)

### 9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уруш қатнашчилари ва ногиронларига «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти тантанали равишда топширилмоқда. Ана шундай тадбирдан бири пойтахтимиздаги Миробод туманида бўлиб ўтди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси эртага — 2010 йил 7 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2010 йил 6 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

- *Мамлакатимизда ўтган йили 940 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинди.*
- *Маҳсулотлар экспорти 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий сальдоси сезиларли даражада ошиши ва мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади.*
- *Давлат бюджетининг барқарор профицити таъминланди, ташқи қарз 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 10 фоиздан ошмади.*

### ЎзХДП ҳаёти

## Жамият тараққиётида

### *партия фаолларининг иштироки муҳим, — дея таъкидланди туман партия кенгашлари пленумларида*

**Миробод туман партия кенгаши** пленумида туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Василий Воргудяев асосий эътиборни партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга қаратди. Ўтган даврда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этишга хизмат қиладиган амалий ишларни кучайтириш зарур дея таъкидлади.

Шунингдек, «Билимдон» маҳалла фуқаролар йиғини партия ташкилоти раиси Абдураҳим Мирзааҳмедов, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Дилором Мансурова, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Наврўз Шодиев ва бошқалар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир вазифаларни ҳал этишда партия фаоллари иштирокини таъминлаш, қабул қилинган ҳар бир қарор, қонунлар ижроси масалаларида ташаббускорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтишди.

**Сергели туман партия кенгаши** пленумида кенгаш раиси Баҳодир Ҳаитматов фаоллар олдида турган асосий вазифалар ҳақида тўхталди. У партия кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятини атрофлича таҳлил қиларкан, йўл қўйилган камчиликлар сабабларини таҳлил этди. Музокараларда сўзга чиққанлар бу борада ўз фикрларини билдиришди.

2-бет >>

«Баркамол авлод йили»
Давлат дастури амалда

Мактаб директорининг *«тарбиявий соати»* 4-бет



Мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришларни жадаллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар, кўппартиявийлик тизимининг ўрни беқиёс эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги таъсир кучи, ҳеч шубҳасиз, уларнинг етакчилари салоҳиятига боғлиқ.

## Партия ташкилоти етакчиси

### *қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?*

Аввало шуни айтиш керакки, сиёсий партия етакчиси бўлиш бошқа қайсидир соҳада, ташкилот ёки идорада раҳбар бўлишдан тубдан фарқ қилади. Сиёсий партиянинг хоҳ қуйи, хоҳ юқори бўғинида бўлсин, барча етакчилари чуқур сиёсий билимга, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, ўз партияси ғоя ва мақсадлари, электорати манфаати йўлидаги курашда эътиқоди мустаҳкам бўлмоғи талаб этилади.

Кўппартиявийлик тизими тобора ривожланиб бораётган, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошаётган, улар ўртасида рақобат кучайиб бараётган, ғоя ва дастурлар кураши доимий тус олаётган, ҳар қайси партия ўз тарафдорларини кўпайтиришга астойдил интилаётган бугунги шароитда партия етакчилари зиммасига кўпдан-кўп вазифалар юкланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши, сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши кераклиги, «мамлакат раҳбариятининг ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлини сиёсий қўллаб-қувватлаймиз», деган умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этиш вақти келганини таъкидлаган эди.

Қўшма мажлисда билдирган танқидий фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган ғоялардан тегишли хулоса чиқариб, партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ишларига бошчилик қиладиган партия ташкилотлари етакчилари қандай бўлиши керак?

Зеро, партия кенгашлари кейинги пленумларида қабул қилинган ҳаракат дастурлари, жорий ва истиқболдаги режаларини амалга ошириш, электорат билан ишлашнинг талаб даражасида бўлиши кўп жиҳатдан сайлаб қўйилган етакчиларимизга боғлиқ.

Мазкур масала бўйича партиямиз фаоллари ва олимлар, мутахассислар, электорат вакиллари, экспертларнинг фикрлари, таклифларини газетамиз саҳифаларида ёритиб боришни режалаштирдик.

Демак, фикр-мулоҳазалар, таклифларингизни кутамиз.

### 6 май об-ҳавоси



| Юртимизда | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 28°C |
| Самарқанд | — | 30°C |
| Нукус | — | 27°C |
| Қарши | — | 31°C |
| Урганч | — | 28°C |
| Навоий | — | 29°C |
| Фарғона | — | 28°C |
| Бухоро | — | 29°C |
| Андижон | — | 28°C |
| Наманган | — | 28°C |
| Термиз | — | 32°C |
| Жиззах | — | 29°C |
| Сирдарё | — | 29°C |
| Тошкент вил. | — | 29°C |

| Хорижда | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 19°C |
| Париж | — | 29°C |
| Москва | — | 15°C |
| Мадрид | — | 28°C |
| Пекин | — | 19°C |
| Гонгконг | — | 27°C |
| Рим | — | 23°C |
| Анқара | — | 20°C |
| Токио | — | 24°C |
| Стокгольм | — | 16°C |
| Кейптаун | — | 25°C |
| Қоҳира | — | 29°C |
| Гавана | — | 33°C |
| Вашингтон | — | 16°C |
| Нью Йорк | — | 21°C |



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

3. Ишга туширилган болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш биринчи даражали вазифа деб ҳисоблансин, болалар ва ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш борасида қилинаётган барча ишларнинг натижалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси олдига қўйилган мақсадларга эришиш тўлиқ даражада мазкур вазифани амалга оширишга боғлиқдир.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, таълим органларининг, республика ва вилоят спорт федерацияларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мазкур иш учун жавобгар бўлган бошқа жамоат тузилмаларининг фаолиятига болалар спорти объектларидан фойдаланишнинг ҳолатига қараб баҳо берилсин.

4. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

**биринчидан,** спорт билан шуғулланишнинг оммавийлиги — умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишга қамраб олиниши даражасининг ўзгариши;

**иккинчидан,** ўрнатилган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, болалар спорти объектларининг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиш даражаси;

**учинчидан,** болалар спорти объектларининг, тасдиқланган нормативларга мувофиқ, таълим муассасаларида юқори малакали, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан хотин-қиз тренерлар билан таъминланганлиги;

**тўртинчидан,** спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — сутка ва ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар соати миқдори, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

**бешинчидан,** спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етишиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари сони.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иловага мувофиқ алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини Халқ таълими вазирлиги органлари балансига топшириш, уларнинг зиммасига мазкур объектларни бундан кейин тегишли даражада сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг раҳбарлари зиммасига болалар спорти объектларининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши, уларнинг замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши, малакали тренер кадрлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир алоҳида жойлашган болалар спорти объектининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда спорт секциялари ва тўгаракларидаги машғулотлар жадвалларини мақбуллаштириш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало бадиий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига болалар спорти объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

болалар спорти иншоотларининг тренерлар билан таъминланганлигини танқидий таҳлил қилиш натижалари бўйича уч ой муддатда болалар спорти объектларини тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ малакали тренер кадрлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, қишлоқ болалар спорти объектларини хотин-қиз тренерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда базавий олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари негизида тренерлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилсин, ҳар бир тренер камида 2 йилда бир марта шу тизимдан ўтадиган бўлсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда мутахассис тренерларнинг тарбияланувчилари спорт маҳоратига эришганлиги, республика ва халқаро мусобақалардаги чиқишларининг самарадорлиги учун улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланишининг батафсил инвентаризацияси асосида ишлаб чиқилган нормативларга мувофиқ уларни янада тўлиқ жиҳозлаш, эскирган ашёларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш бўйича аниқ таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Спорт турлари бўйича республика федерациялари Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларда, тизимли асосда болалар спорти иншоотлари негизида республиканинг етакчи спортчилари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақалар чемпионлари ҳамда совриндорлари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқлари ўтказилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 сентябригача болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис коптоклари, бадиий ҳамда спорт гимнастикаси учун спорт ашёларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ишлаб чиқарилаётган спорт товарларининг, шу жумладан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жойлардаги болалар спорти объектларини сақлаб туриш, анжомларни янгилаш, штат жадвалига риоя қилиш, тренер-мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли ҳамда қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин. Айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка биноан қатъий жазо чоралари қўлланилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 5 май*

Сўз — анжуман иштирокчиларига

# ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИ

## Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатидан ибрат олишга интилмоқда




ЎзА мухбирлари Осиё тараққиёт банки (ОТБ). Бошқарувчилар кенгашининг 1-4 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонлари билан суҳбатлашди.

**Мото КОНИШИ,**
***Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:***

— Форумнинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи анжуманнинг нуфузини янада оширди. Нутқда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт ҳамда инқирозни бартараф этиш борасида олиб бораётган изчил чора-тадбирлари жуда кенг ва теран таҳлил қилинди.

Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоя, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонасида ишбилармонлар, жумладан, хориж бизнес одамлари учун яратилган қулай шароит, берилган кенг имконият ва имтиёзлар бунинг далилидир.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим. Мамлакатингиз билан ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишларни янада кенгайтирмоқчимиз.

**Казухико ХИГУЧИ,**
***Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари:***

— Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли ва самарали ижроси ўзаро муносабатларимизни янада юксак поғонага олиб чиқди. Зотан, ОТБ йиллик мажлисини ўтказиш учун кўплаб мамлакатлар ичидан айнан Ўзбекистон танлангани ҳам бунинг далилидир.

Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда ривожланмоқда. Бу омилни мамлакатингизга киритилаётган чет эл сармояси ҳажмининг тобора ортиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани қўлга киритилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин намуналаридандир. Ушбу кўрсаткичнинг янада ошишига ишончим комил. Шу боис дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатдан ибрат олишга интилмоқда.

**Наото КАН,**
***Япония бош вазирининг ўринбосари, молия вазири:***

— Мамлакатингизда бундай нуфузли анжуманнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрў-эътибори ва улкан иқтисодий салоҳияти намоёнидир. Яхши маълумки, Ўзбекистон молиявий-иқтисодий инқироз гирдобига тушмади. Мамлакатингиз юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришди. Бу Ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларни қамраб олган. Хусусан, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг муваффақиятли ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

**Лу БРЕФОР,**
***Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари:***

— Мазкур анжуман долзарблиги билан дунёнинг барча мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Мажлис иштирокчилари кўплаб зарур ва фойдали маълумотлар олиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган юртингизда банк-молия тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистон бу борадаги иқтисодий ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришига ва бу юксак самаралар беришига ишонаман. Боиси, банклар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватловчи муҳим манбадир. Давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу молиявий тизимнинг фаолиятига боғлиқ.

Юртингизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, экспортга йўналтирилган корхоналарга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ҳисобидан харажатларни камайтириш ва даромадни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

**Рудольф-Жозеф Рашад КАЛЬДАНИ,**
***Халқаро молия корпорацияси вице-президенти (АҚШ):***

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу анжуманга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турди. Мажлис баҳонасида мамлакатингизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар билан ҳам танишдим. Мазкур анжуман, шунингдек, турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилганининг ўзи мамлакатингизда иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самараларидандир. Кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри иш тутганини яна бир бор тасдиқлади.

Ташриф асносида, мамлакатингиз банклари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан муайян келишувларга эришганимиздан ғоят мамнунмиз.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# Ютуқлар оз эмас, камчиликлар ҳам...

## дея таъкидланди Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган вилоятида ўтган ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти конференцияларида

Қорақалпоғистон республика партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида ХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари кўрилди.

— Ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, қатор амалий ишлар қилинганини кўрамиз, — деди Амударё туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Норгул Йўлдошева. — Дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, Бандликка кўмаклашиш маркази билан кўплаб аёллар иш билан таъминланишига ўз ҳиссамизни қўшдик. Хотин-қизлар ҳақ тўланадиган ишлар бўйича қайта ўқитилиб, тикувчилик, ошпазлик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича касбга тайёрланди. Касаначилик асосида янги иш ўринлари яратилди.

— Хотин-қизларни ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини янада кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонунлар аҳамиятини, мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирлар самарадорлигини ошириш зарур, — деди Тўрткўл туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Роҳатжон Юсупова. — Туман маҳаллаларида, қишлоқ ва овул фуқаролари йиғинларида партиямиз дастурий ғояларидан келиб чиқиб, хотин-қизлар манфаати ҳимоясида амалий ишларни кўпайтирмасак, электорат орасида партиямиз нуфузини ошириш қийин бўлади. Сир эмас, ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган сайловларда партия ташкилотимиз кўзланган мақсадга эриша олмади. Жўқорғи Кенгес депутатлигига 3 нафар аёлнинг номзодини кўрсатдик, аммо уларнинг биттаси ҳам сайловда ютиб чиқмади. Маҳаллий Кенгаш депутатлигига 30 сайлов округидан 9 нафар аёлнинг номзоди кўрсатилди, шундан атиги 2 нафари депутат этиб сайланди, холос.

Сўзга чиққан «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири, Жўқорғи Кенгес депутати Гулистон Аннақличева ва бошқалар «Фаол аёллар» қаноти ишидаги камчиликларни таҳлил қилиб, келгуси ишларни янада яхшилаш бўйича фикр ва таклифлар билдиришди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

●◇●◇●

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг ўтган йилларда амалга оширган ишлари ҳамда Баркамол авлод йилидаги вазифалар тўғрисида қанот етакчиси Дилором Сайфиддинова маъруза қилди.

У ўтган сайлов натижалари, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида сўз юритиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 3 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 46 нафар хотин-қиз партиямиздан депутат этиб сайланганини таъкидлади.

ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева аёлларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бу йўналишда қонун ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш лозимлиги хусусида тўхталди.

Музокарада сўзга чиққан Республика акушерлик ва гинекология илмий маркази Наманган вилояти бўлими директор ўринбосари Мансура Тўйчиева, «Фаол аёллар» қаноти Наманган шаҳар бўлими етакчиси Мавлуда Йўлчибоева, халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши депутати Мавлуда Имомовалар кун тартибидаги масалалар бўйича ўз таклифларини билдирди.

Конференцияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Қанот етакчилари, бошқарув аъзолари сайланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**Хуршид ФАЙЗИЕВ.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

— Депутатлар жон куйдириб ишласа, депутатлик гуруҳлари ташаббус кўрсатса, вакиллик органларининг иши самарали бўлади, — деди Тошкент давлат юридик институти ўқув-услубий бўлими бошлиғи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Сотиболди Бобоқулов.

# Жамият тараққиётида

## *партия фаолларининг иштироки муҳим, — дея таъкидланди туман партия кенгашлари пленумларида*



Абдивоси ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Камчиликларни бартараф этиш учун аввало уларнинг сабабларини аниқлаб олишимиз зарур. Ана шунда ишимиз жонланади, хатолар такрорланмайди.

Партиянинг шаҳар ва ҳар бир туман кенгаши қошида фаоллардан иборат махсус гуруҳлар тузиб, электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари, сиёсий технологияларидан оқилона фойдаланиш лозим. Сайловчиларимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун электорат манфаати йўлида ташаббускор ва қатъий позицияда бўлишимиз талаб этилади.

**Учтепа туман партия кенгаши** пленумида ҳам йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост айтилди. Муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

— Партия фаолиятида тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида ўрин тутади, — деди туман партия кенгаши раиси Санталат Муҳуддинова. — Бу борадаги ишлар таъсирчанлигини ошириш фаолларнинг ҳуқуқий билими, салоҳиятига боғлиқ. Биз электорат муаммоларини ҳал этишда депутатларимизга суянамиз, қолаверса, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам самарали, деб ўйлайман.

— Партиямиз сафида ёшлар кўпайиб бормоқда. Бу қувонарли албатта, — деди «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими раиси Салоҳиддин Аҳмадалиев. — Аммо уларнинг кучидан самарали фойдаланишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Иқтидорли, салоҳиятли ёшларни танлаш, улар орасидан етакчилар тайёрлаш кадрлар захирасини кенгайтириш масаласида жуда қўл келади.

Пленум иштирокчилари туман партия кенгашлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури юзасидан чуқур ўйланган лойиҳаларни тақдим этиши, жойларда учраётган нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора муҳокама этиш, юзага келаётган ўткир ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар билан чиқиши кераклигини таъкидлашди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг бошқа туман партия кенгашлари пленумлари ҳам бўлиб ўтди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур

**Дунёда сув таъминоти долзарб муаммога айланаётган ҳозирги пайтда мамлакатимизда мазкур ресурсдан тежамкорона ва оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги фармони бу борадаги ишлар қамровини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.**



Сурхондарё вилояти иқтисодиётининг барча тармоқлари учун бир йилга 3 миллиард 568 миллион кубметр сув лимити ажратилади. Амударё воҳанинг асосий сув манбаларидан бири бўлиб, ерларни суғориш 15 минг километр узунликдаги канал, ўнга яқин ички дарё ва бошқа сув тамоқлари ҳамда йиллик қуввати 1 миллиард 300 миллион кВтга тенг 113 насос станцияси орқали амалга оширилади. Шунингдек, сув ресурслари 21 йирик гидротехник иншоот ва умумий сиғими 896 миллион кубметрга тенг бешта сув омбори ёрдамида бошқарилади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун умумий узунлиги 10 минг километрдан ортиқ зовур-дренаж тармоқлари хизмат қилади. Хўжаликларнинг ички суғориш тармоқларида оби-ҳаётни бошқариш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун 156 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолият юритмоқда.

Халқимиз сувни зарга, сувчини заргарга қиёслаши бежиз эмас. Суғориш тармоқларида сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик мақсадида магистрал ва хўжаликлараро каналлар тозаланиб, гидротехник иншоот ва гидропостлар таъмирланмоқда. Сув иншоотларида йирик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётир. Бу ишлар замирида бебаҳо неъматни тежамкорлик билан сарфлаш мақсади мужассам. Сурхондарё вилоятида Осиё тараққиёт банки иштирокида Аму-Занг машина каналининг қайта тикланаётгани экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлашга, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилаётир. Лойиҳанинг умумий қиймати 112 миллион 600 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, ҳозирга 67 миллион 380 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағ ўзлаштирилди. Аму-Занг-1 кўтарма насос станциясига Амударёдан сув берувчи тиндиргич қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аму-Занг-1 кўтарма машина ва Боботоғ каналлари реконструкция қилинди. Термиз, Ангор, Жарқўрғон, Музработ ва Қумқўрғон туманларидаги еттита сувдан фойдаланувчилар уюшмасида сув хўжалиги инфратузилмасини тиклаш ишлари давом этаётир. 4 миллиард 392 миллион сўмлик лойиҳа доирасида уюшмаларнинг ички ариқ ва зовурларини тозалаш, ички каналларга бетон ётқизиш, сув олиш жойларига ўлчаш асбобларини ўрнатиш, ёпиқ дренажларни тозалаб, қайта ишга тушириш тадбирлари шулар жумласидандир.

— Бу чора-тадбирлар ҳар йили сув хўжалиги учун ажратилаётган харажатларни 1 миллиард 400 миллион сўмга камайтириш имконини беради, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Тожимурод Мамараимов. — Шунингдек, Аму-Занг машина каналидан фойдаланадиган туманларнинг юз минг гектар экин майдонлари сув билан кафолатли таъминланади.

Айни пайтда «Тўполанг» сув омборидан оқар сув билан таъминланадиган Оққопчиғой канали ҳамда Шеробод магистрал каналини боғловчи янги канал бунёд этилмоқда. Секундига 50 кубметр сув ўтказиш қувватига эга янги каналнинг узунлиги 14,8 километрни ташкил этади. У фойдаланишга топширилгач, Шеробод насос станциясидаги ҳар бирининг қуввати 20 кубметр бўлган иккита агрегатни тўхтатиш эвазига 15 минг кВт соат электр энергияси тежалади. Жорий йилда Қумқўрғон туманидаги «Ўғри-Гузар» каналининг бош қисмидаги реконструкция ишларини якунлаш тўрт ярим минг гектар экин майдонида сув таъминотини тубдан яхшилайди. Хўжаликнинг иккита ички агрегатига боғлиқ 450 гектар майдонни оқар сув билан таъминлашга ўтилади. Бу ишлар сув таъминотини яхшилаш баробарида электр энергиясини тежашга хизмат қилади. Экинларни шарбат усулида суғориш жорий этилаётган хўжаликларда сув сарфи 1-2 баравар камайгани кузатилмоқда.

Вилоятда мелиорация ишлари натижасида ер ости сизот сувлари сатҳининг пасайишига эришилмоқда. Кучли шўрланган ерлар 340, ўртача шўрланган майдонлар 4 минг 452 гектарга камайди. Ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузиш, оби-ҳаётдан хўжасизларча фойдаланиш ва бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Термиз шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган сайёр йиғилишда шулар хусусида сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Адлия, Фавқулодда вазиятлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, ҳуқуқ-тартибот, «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ва вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани таъкидланди.

Вилоятдаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг деҳқон хўжаликларига кўрсатаётган хизмати бугунги кун талабига жавоб бермаслиги таъкидланди. Хусусан, Қумқўрғон туманида СФУлар молиявий ҳолатининг ўнгланмаётгани хўжаликларнинг ички суғориш тармоқларида сув ресурсларини бошқариш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этишда, Узун туманида гидропостлар қуришда йўл қўйилган камчиликлар истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув миқдорини аниқлаш ва расмийлаштиришда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инновацион янги ғоялар билан иш юритишда ташаббускорлик сезилмаяпти.

Тадбирда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хорижда

# Инқироздан чиқиш

## дастурига қарши

**Греция касаба уюшмалари олий кенгаши мамлакат ҳукуматининг молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш дастурига қарши икки кунлик оммавий норозилик намойишини уюштирди.**



ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, сешанба куни «Olimpic Air» авиакомпанияси 42 та парвозни бекор қилган бўлса, «AGN Airlines» авиакомпанияси 17 та парвозни тўхтатди. Кеча эса Грецияга келувчи ва Грециядан чиқувчи барча парвозлар бекор қилинди. Жамоат транспорти бир неча соат давомида бутунлай тўхтаб қолди. Темир йўл, кемалар ҳаракати ҳам тўхтатилди. Дўконлар ишламаяпти.

Ушбу иш ташлаш акциясига тиббиёт ходимлари ҳам қўшилдилар.

Касаба уюшмалар Греция ҳукуматининг мамлакатни иқтисодий инқироз «ботқоғи»дан олиб чиқиш бўйича амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларидан норози. Негаки, ҳукуматнинг инқироздан чиқиш дастурига кўра, солиқлар яна оширилади, маошлар ва пенсиялар миқдори қисқартирилади. Пенсияга чиқишнинг ўртача ёши эса 67 ёш қилиб белгиланмоқда. Булар ўз навбатида аҳолининг, айниқса, давлат хизмати ходимларининг норозилигини кучайтирмоқда.

# «ТУ-154» самолётлари

## алмаштирилади

**Эрон маъмурияти мамлакат авиакомпанияларида фаолият кўрсатаётган хорижлик учувчилар ўрнига маҳаллий учувчиларни ишга жалб этишни мўлжалламоқда.**



«Интерфакс» АА хабарида қайд этилишича, Эрон транспорт вазири Хамил Бехбахани хорижлик учувчиларни ўз ватанларига қайтариш масаласи кун тартибида турганлиги тез орада ижро этилиши ҳақида маҳаллий ОАВда чиқиш қилган.

Маълумки, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нажот малакали маҳаллий учувчилар мавжуд бўлган бир пайтда хорижлик учувчиларни ишга олиш шарт эмаслиги ҳақида март ойида эслатиб ўтганди.

Транспорт вазирининг айтишича, аста-секин мамлакат авиакомпанияларидаги «Ту-154» самолётларидан ҳам воз кечилади. Уларнинг ўрнига бошқа русумдаги замонавий самолётлардан фойдаланилади.

Россия оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Эронда ўнга яқин «Ту-154» самолёти мавжуд. Улардан бири — Россиянинг «Когалымавиа» авиакомпаниясидан Эроннинг «Taban Air» авиакомпанияси ижарага олган «Ту-154 М» самолёти жорий йил январда Эроннинг Машҳад аэропортига қўнаётиб ёниб кетган. Натижада 40 киши жабрланган. Яна битта «Ту» 2009 йили Эрондан Арманистонга парвозни бажараётган пайтда ёниб кетиб, ерга қулаган ва 168 кишининг умрига зомин бўлган.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бошқармаси**

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

***Объект номи:* Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бошқармаси маъмурий биносини қуриш. «Калит»га**

***Муддати*** — 30.12.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 1466,701023 млн. сўм ҚҚС билан, — 1197,822118 млн.сўм ҚҚСсиз.

***Буюртмачи:*** Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бошқармаси.

***Манзили:*** Фарғона шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 9-уй.

***телефон:*** 223-50-09, ***факс:*** 223-57-91.

***Таъмирлаш ишлари:*** ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажудлиги, молиявий имкониятларга ишчи кучи ресурсларига шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй.***
***Тел:*** *224-74-20,* ***факс:*** *224-18-76.*

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.**

Таклифлар (офертала) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

**«2-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ»**

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**«Андижон сув омборини кўриқлашни кучайтириш тадбирларининг III навбати (омборхоналар) қурилиши»**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1 015 324 000 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 12 ой.

***Буюртмачи:* «2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси»**

***Манзили:*** Андижон шаҳри, Н.Охунов кўчаси 35-уй. Тел:(8374) 224-54-82, факс: 224-47-24.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш**: Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:

***Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича реконструкция қилиб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Пастдарғом тумани, Жума шаҳридаги собиқ кинотеатр биносини «Ёшлар маркази» биносига мослаб реконструкция қилиш | 300 625 097 сўм | 250 520 914 сўм | 6 ой |

***Қурилиш ишлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.***

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи**: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзили**: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона.**
**Тел:** 231-13-51, **факс:** 233-32-00.

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносиниг кичик мажлислар залида соат 10-00да** ўтказилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ**

*2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича реконструкция қилиб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Пастдарғом тумани давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносини реконструкция қилиш | 273 750 367 сўм | 228 125 306 сўм | 3 ой |

**Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси махсус жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи**: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани давлат солиқ инспекцияси.

**Манзили**: Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй, телефон: (8366) 46-5-15-75.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона.***
***Тел:*** 231-13-51, ***факс:*** 233-32-00.

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносиниг кичик мажлислар залида соат 10-00 да** ўтказилади.

# Мактаб директорининг «тарбиявий соати»

Юнусобод туманидаги 86-мактаб директори Ирина Пакни қабулхонасида бироз кутишимга тўғри келди. Директор хонасидан унинг танбеҳ берган овози, ора-сира суҳбатдошининг айбдорона жавоблари эшитилиб турди.

Ҳамма мактабларга хос аҳвол, деб ўйладим. Тўполончи ўқувчилардан бири навбатдаги шўхлигини қилган. Балким дарсга кеч қолгандир, балким синфдоши билан ёқалашгандир ва одатдагидек, уни мактаб директори хонасига «таклиф қилишган». Кимнинг бошидан ўтмаган — ҳатто энг аълочи, намунали ўқувчи ҳам ҳеч бўлмаса бир бор директор хонасига кириши мумкин.

Хона эшиги очилиб, 25-30 ёшгина жувон чиқиб келганда эса башоратим тўғри чиқмаганини ўзимча тан олдим, айни пайтда ҳайрон бўлдим. Чунки жувон ўқитувчига ўхшамасди — кўйлаги тиззасидан баландда, юзидаги бўёқлари ҳам мўлгина.

Ирина Григорьевна ҳам ҳайронлигимни сездими, изоҳ берди:

— Фақат ўқувчилар эмас, баъзан ота-оналар ўртасида ҳам тарбиявий иш олиб боришимизга тўғри келади.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан ана шу аёл ва унинг шу мактабда ўқиётган қизлари ҳақидаги мулоҳазалардан бошланди.

Қизлар ўқишдан тез-тез қолаверганидан кейин Ирина Григорьевна бу оила билан қизиқибди. Аёлнинг биринчи турмуши бузилган, кейинчалик яна икки бор турмушга чиққан. Ҳозир яна «эркин» экан. Тез-тез уйида тунамайди, гоҳида дугонасиникида, гоҳида тўй ёки туғилган кунларда бўлади. Бу шароит ўн беш ва ўн икки ёшдаги қизлари тарбиясига салбий таъсир қилмасдан қолармиди?!

— Қизларнинг бувисини излаб топдим, — дейди Ирина Григорьевна. — Анча баъмани аёл экан. Катта набирасини ўз бағрига олди, ҳозир қиз ўқишга бувисиникидан қатнаяпти, ундаги ижобий ўзгаришлар дарҳол сезилди. Энди бизни кичик қизнинг тақдири ташвишлантираяпти.

Директорнинг гапидан англадикки, у мактабдаги ҳар бир ўқувчининг тақдири олдида ўзини масъул сезади ва бу туйғуни ҳар бир ўқитувчи, педагогга ҳам сингдиришга ҳаракат қилади.

— Бола тарбияси оиладан бошланади. Аҳил, соғлом муҳитдаги оилаларнинг фарзандларини ўқитиш ва тарбия бериш педагогдан унчалик катта куч-ҳаракат талаб қилмайди, боланинг қизиқишлари, иқтидорини тўғри тушуниб, йўналтириб турсангиз бас. Нотинч оилаларнинг фарзандлари билан ишлаганда эса оиладаги кемтикнинг ўрнини ҳам мактабдаги тарбия билан тўлдириш лозим бўлади. Бундай вазият биз муаллимлардан жиддий эътибор, фидойиликни талаб қилади, — таъкидлайди Ирина Григорьевна.

Бугун мактабнинг ўқитувчилар жамоаси мамнуният билан эътироф этишади — ўқувчилар мактабга ҳавас ва иштиёқ билан келишади, ўқишдан бўш вақтларини ҳам шу ерда ўтказишга ҳаракат қилишади.

Бу эса, аввало, давлатимизнинг ўрта умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини замонавий талаблар даражасига кўтариш, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини фойдали машғулотларга жалб этиш борасида яратиб бераётган шарт-шароити туфайлидир.

Мазкур мактаб биноси ҳам 2008 йил капитал таъмирдан чиқарилди, янги мебеллар билан жиҳозланди. Яқинда эса, кўплаб фан кабинетлари қаторига яна иккита компьютер синфи қўшилди.



**Суратда:** *Ирина ПАК ҳамкасблари даврасида.*
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури матбуотда эълон қилиниши билан жамоамизнинг ҳар бир аъзосига уни ўрганиб чиқишни ва ана шу дастурдан келиб чиққан ҳолда ўзининг тарбиявий ишларини режалаштириб олишни топширдим, — дейди директор.

Шу ўринда Президентимизнинг «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди» деган сўзини эслаш ўринлидир.

Ўқитувчилардан бири ўз дастурида болаларнинг маънавий дунёсини шакллантиришга хизмат қиладиган муассасаларга ўқувчиларни тез-тез олиб боришни режалаштирган эди. Ушбу дастур боис бир гуруҳ ўқувчилар Тошкентда ўтказилган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида томошабин сифатида иштирок этди. Ана шу жамоавий томошабинлик ажойиб натижа берди. Қизлар мусобақалардан бир олам таассурот билан қайтди. Бадиий гимнастиканинг қоматни расо, соғлиқни мустаҳкам қилишини ўз кўзлари билан кўргач, қизлар «мактабимизда ҳам шундай тўгарак очилса яхши бўларди», деб илтимос қилишибди.

Директор дарҳол мутахассис-тренер излаб топди. Шу тариқа мактабдаги 64 та фан ва спорт тўгараклари яна биттага кўпайди. Ҳозир 15 нафар қиз бадиий гимнастика алифбосини ўргана бошлади.

Мактабдаги «Рандеву» ҳаваскор театр студияси фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам, — дейди Ирина Григорьевна.

Студияда ўзбек ва рус тилларида спектакллар саҳналаштирилади. Яқинда аср вабоси — гиёҳвандлик ҳақидаги спектакли билан «Соғлом турмуш тарзи учун» танловида иштирок этишди.

Асар сюжети қуйидагича: дискотекага тез-тез бориб турадиган болани гиёҳвандлар оз-оздан текин «дори» бериб ўзларига ўргатиб олганларидан сўнг бало домига тортадилар. Ёлғиз онанинг ёлғиз ўғли уйидаги борбудини сотиб бўлиб, онасидан пул талаб қила бошлайди. Бола қаттиқ азоблар исканжасида жон таслим қилаётганида хатосини англайди, аммо кеч эди, у бошқалардан бу йўлга кирмасликни ўтиниб сўрайди. Спектакль сўнггида бир гуруҳ «гиёҳванд» ёшлар «яшашни истайман», деган нолалар билан саҳнага чиқиб келишади.

Спектаклни кўрган врач-нарколог жуда ҳайратга тушди, мактаб жамоасига хайрли иши учун миннатдорчилик билдирди.

Танловлардаги ғолиблик ҳам, эътирофлар ҳам асосийси эмас, энг муҳими — болалар бир нарсани тушуниб етишди: спектаклни томоша қилган ўқувчилар ўз ота-онаси ва ўқитувчисига «Нимага дискотекага боришимга қаршилик қиласиз, у ерда рақсга тушаман холос», деган гапни энди айтмаслиги табиий.

— «Оммавий маданият» хуружи кучайиб бораётган бир даврда болаларимиз онгига соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимизни сингдириб бориш энг асосий вазифаларимиздан бўлмоғи керак, — дейди Ирина Григорьевна. — Бу ишга ота-оналар ҳам жалб қилинаётгани яхши самара бермоқда.

Айни кунда мактаб педагогик жамоаси муҳим жараён билан банд. Олдинда — синфдан-синфга ўтиш ва битириш имтиҳонлари. 136 нафар битирувчи ўз имкониятлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда коллеж ва лицейларни танладилар. Уларнинг бу даргоҳлардаги ўқиши давомида қадрдон мактабларида олган билимлари, тарбияси жуда-жуда қўл келади.

Бу ердаги таълим-тарбия ишлари директор ва ўқитувчиларнинг ташкилотчилиги, ўз касбига садоқатини кўриб беихтиёр ўйга толасан киши: қанийди ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам ана шундай бўлса.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

СПОРТ ↘ СПОРТ

## Икки кумуш, бир бронза

Бокуда ўсмирлар ўртасида бокс бўйича жаҳон биринчилиги ниҳоясига етди. Дунёнинг 109 давлатидан келган 600 нафардан зиёд «чарм қўлқоп» усталари қатнашган мусобақада ҳамюртимиз Зоҳид Ҳурбоев (48 кг) бронза медали билан тақдирланганлигини аввал хабар қилгандик.

Баҳсларнинг охирги кунида икки нафар боксчимиз финалда ўз омадларини синаб кўрди. Жумладан, Осиё чемпиони Аҳмад Мамажонов (69 кг) бразилиялик Давид Лоуренсио Да Костага қарши рингга кўтарилган бўлса, Сардорбек Бегалиев (81 кг) кубалик Дювергер Авилесга рўбару келди. Муросасиз кечган ҳар икки учрашувда вакилларимиз кичик ҳисобда ютқазиб, жаҳон биринчилигининг кумуш медаллари билан тақдирланишди.



## Равшан Ҳайдаров «Пахтакор»ни бошқаради

«Пахтакор» футбол клубида черногориялик мутахассис Миодраг Радулович бош мураббий сифатида фаолият кўрсатаётганди. Яқинда бу мураббий пахтакорчилар билан тузилган шартномани бекор қилиб, Россиянинг «Динамо» (Москва) жамоасига ишга ўтиб кетди.

Куни кеча клуб раҳбарияти Равшан Ҳайдаровни «Пахтакор» жамоасига вақтинчалик бош мураббий этиб тайинлашга қарор қилди. Унинг анча йиллардан бери пахтакорчилар мураббийлар штабида фаолият кўрсатиб келаётганлигини мухлислар яхши билишади.

**Эркин ХОЛБОБО.**

---

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## Кимёгарлар устози

Ҳаётда шундай кишилар борки, уларнинг беғараз маслаҳатлари, оталарча меҳри, хайрли ишлари хотирангизда ўрнашиб қолади, эслаганингизда юрагингиз тўлқинланади. Ана шундай инсонлардан бири эл- юрт ҳурматини қозонган кимёгар, академик Ҳусни Рустамов эди.

У 1910 йили 21 март куни Тошкент шаҳрида, оддий ишчи оиласида таваллуд топганди. Ўрта мактабни тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган.

У ўқишни тугатгач, университетда қолиб, илмий фаолиятини бошлади. 1937 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилади. Бу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ҳарбий хизматнинг асосий қисмини жанг майдонларида ўтказади.

Жанггоҳдан қайтган ёш олим илмий фаолиятини давом эттирди. 1953 йили Москва шаҳридаги «Физик-кимё» институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий ишига Нобель мукофоти совриндори, академик Николай Семёнов илмий маслаҳатчи бўлди.

У узоқ йиллик илмий фаолияти давомида кислота — асос каталитик реакцияларнинг кинетикаси ва механизми ҳамда адсорбция жараёнларини ўрганди. Материалларни экстракция ва чўктириш йўли билан ажратиш жараёни мувозанати, кинетикаси ҳамда механизмини текшириш натижасида кобальт, никель, вольфрамни турли қўшимчалардан тозалаш, уларни бир-биридан ажратиш технологияларини ишлаб чиқди. Мактаб ва олий ўқув юртлари учун кимё фанидан дарслик ва қўлланмалар ёзди.

Устознинг илмий ва педагогик фаолияти эътироф этилди. У республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби унвонига муносиб кўрилди, 2000 йил эса академикликка сайланди.

— Устозим Ҳусни Рустамовдан ҳам илмда, ҳам ҳаётда жуда кўп яхшилик кўрдим, — дея ҳурмат билан эслайди профессор Абдураҳмон Абдураҳимов. — Доимо инсонларга беминнат яхшилик қилишни ўйлар, шогирдларига тўғри йўл кўрсатиб, уларни юзага чиқаришни ўз бурчи деб биларди. Ростгўйлик, самимийликни қадрларди. Шундай бағрикенг инсонга шогирд бўлганимдан ўзимни бахтли деб биламан.

Кимёда занжирли реакция деган тушунча бор. У қанча узоқ давом этмасин, қачондир тўхтайди. Инсоннинг умри ҳам шунга ўхшайди. Ҳусни Рустамов табаррук 100 ёшга саноқли кунлар қолганда оламдан кўз юмди.

Ҳусни Рустамов бағри кенг устоз, меҳрибон ота эди. У ўз ҳаёт йўлини фарзандларига ҳам сингдира олган. Уч қизи ва бир ўғли ота изидан бориб, кимёнинг турли соҳаларида фан номзодлари бўлишди.

Ҳа, устоз ўзидан яхши ном, қобил фарзандлар ва бой илмий мерос қолдирди.

**Ҳожиакбар АБДУРАҲИМОВ,**
**кимё фанлари номзоди.**

---

— 2010 йил — Баркамол авлод йили —

## Жиззах санъат коллежи

***ўқувчилари истеъдод ва қобилиятларини намойиш этиб, фидойи ўқитувчилари кўмагида санъатнинг сеҳрли оламига қадам қўймоқдалар***





Доногул ЖЎРАЕВА олган суратлар.

Бугун вилоятда 74 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шаҳарнинг хушманзара гўшаларидан бирида жойлашган санъат коллежи шуларнинг бири. Айни пайтда ушбу даргоҳда 419 нафар санъатга ошуфта ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

Бу ерда болаларнинг пишиқ-пухта билим олишлари, ўзларидаги бор иқтидор қирраларини намойиш этишлари учун зарур барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган. Санъат йўлини танлаган болаларга 98 нафар ўқитувчи-мураббий томонидан сабоқ берилаяпти.

— Ўқувчиларимиз тўққиз йўналиш бўйича таълим олишади, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Ҳусанбой Убайдуллаев. — Муҳташам концерт залимиз, амалий ва назарий машғулотлар ўтишга қулай хоналаримиз, шуларга мос замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда санъат ва мусиқага дахлдор асбоб-ускуналаримизнинг мавжудлиги, қолаверса, улардан самарали фойдаланаётганимиз натижасида ўқувчиларимиз орасидан республика ҳамда халқаро миқёсларда ўтказилаётган танловларнинг иштирокчилари ва совриндорлари етишиб чиқаётганлиги қувонарли, албатта.

— Санъат кишини гўзалликка ва яхшиликка ундовчи, дилларга нур олиб кирувчи ажойиб воситадир, — дейди анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича учинчи босқич ўқувчиси Дилфуза Ёқубова. — Ўзинг севган касбни танлаш ярим бахт, дейдилар. Бугун санъат йўналишида ўқиётганимдан, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганаётганимдан хурсандман.

**Суратларда:** ўзбек халқ чолғу созлари йўналиши бўйича иккинчи босқич ўқувчиси Рустам Холхўжаев; анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича учинчи босқич ўқувчиси Наргиза Турсунова.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш бош мақсадимиз ҳисобланади. Бу эса фуқаролардан юксак сиёсий ва ҳуқуқий билим, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил фикрли бўлишини талаб этади.

## Ёшлар ўқуви

Куни кеча «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган семинар-тренинг фуқаролик жамиятининг муҳим талаби бўлган ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилди.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига биноан талаба ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз фикрларини эркин ифода эта олишларини шакллантириш мақсадида «Мунозара — дебат» услубида семинар-тренинг ўқув курслари ташкил қилдик, — **дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази директори Э.Набиев.** — Бугунги тадбир «Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлатнинг қурилиши, тажриба ва муаммолари»га бағишланди ва ўқувни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари олиб борди.

Мазкур ўқув қизиқарли ўтди, энг муҳими, талаба-ёшлар унда ғоят фаоллик кўрсатишди.

**Ўролжон КАМОЛОВ,**
**ЎзМУ талабаси.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «POLO IMPEKS-M» чет эл корхонаси (СТИР 300 491 054, ХХТУТ 17116, МХОБТ 172 62 73.) қўшилиши муносабати билан

**ТУГАТИЛМОҚДА.**

***Мурожаат учун телефон: 249-10-94.***

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири
**Даврон БАҲРОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкентдаги «Safo Tibbiyot» шифохонаси жамоаси стоматолог
**Замира АНДАҚУЛОВА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13594 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 22.55
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda